

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Х У К М

2021 йил сентябрь ойининг 28 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья: **Т.К.Юсупов,**

судья ёрдамчиси Ф.Умарованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шайхонтоҳур туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Бердикиличова, судланувчи У.Ахматов, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси “Legal Outsourcing” адвокатлик фирмасининг адвокати Х.Набиев ва жабрланувчи Н.Халиковаларнинг иштирокида, Ахматов Умурзоқ Муротовичга нисбатан 1-1007-2102/294-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ахматов Умурзоқ Муротович (Axmatov Umurzoq Murotovich) – 09.10.1990 йилда Бухоро вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган,

1) жиноят ишлари бўйича Олот туман судининг 23.07.2015 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари ва 28,25,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 59-моддасига асосан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Томди туман судининг 17.11.2016 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 12.10.2016 йилдаги амнистия актига асосан жазодан озод этилган;

2) жиноят ишлари бўйича Олот туман судининг 21.02.2018 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 62-моддасига асосан иш ҳақининг 30 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 4 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қорақўл туман судининг 26.11.2018 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 7 ой 19 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод этилган, ЖКнинг 78-моддаси талабида судланганлик ҳолати тугалланган, Бухоро вилояти, Қорақўл тумани, Улуғбек кўчаси, 41-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича “қамокқа олиш тарзидаги” эҳтиёт чораси қўлланган, 16.04.2021 йилдан қамокда сақланган, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган,



Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи У.Ахматов, 2020 йил 2 декабрь куни ўзганинг анча миқдордаги мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, ўзининг режасини тузиб, ўзи аввалдан қўлга киритишни мақсад қилиб юрган, фуқаро Б.Йўлдошев томонидан муддатли тўлов асосида берилаётган телефон аппаратларини Тошкент шаҳар рўйхатда турган шахс номига берилаётганлиги ҳақида маълумотга эга бўлиб, кейинчалик тузган режасига асосан, 3 декабрь куни “Facebook” интернет ижтимоий тармоғи орқали фуқаро Н.Халикова билан танишиб, унга ўзини катта тадбиркор сифатида таништириб, истеъмол ёғи савдосида унга 2.000 АҚШ доллари кераклигини ва ушбу пул маблағларини қўшиб турса, унга катта миқдорда фойда келтиришига ишонтириб, Н.Халиковани турли хил турдаги тилла-тақинчоқларини “Венера ва Албатрос” кредит номланган “Ломбард”ларга 4 декабрь куни топшириш орқали жами 14.650.000 сўм миқдорида пулларга эга бўлиб, ушбу пулларни яна кўпайтириш учун, бундан аввал телефон орқали ўзи танишган Б.Йўлдошевни олдига бориб, ундан Н.Халикованинг номига муддатли тўлов асосида жами баҳоси 5.010 АҚШ доллар (52.241.173 сўм)лик 3 дона “Iphone 11 PRO MAX” русумли телефон аппаратларини олиш учун “Ломбард”дан олган 14.650.000 сўм пуллари эвазига телефон аппаратларини бошланғич тўлов пуллари ҳисобида Б.Йўлдошевга бериб, сўнг телефон аппаратларини Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманида жойлашган “Чорсу” буюм бозори ёнида қўлга киритиб, шу куннинг ўзида қўлга киритган 3 дона “Iphone 11 PRO MAX” русумли телефон аппаратларини ўзининг таниши Л.Жўрақуловга ҳар бирини 566 АҚШ долларида жами 1.700 АҚШ доллари (17.726.546 сўм) миқдоридаги пулларга Учтепа тумани, Чилонзор -31-мавзеси ҳудудида жойлашган автосалон биноси ёнида сотиб юбориб, сўнг ушбу пуллар эвазига Н.Халиковага берган ваъдасини бажармасдан, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, У.Ахматов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мол-мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил 08 февраль куни Ж.Рўзиқуловни ишончига кириб, унинг номига “Агробанк” Қорақўл туман филиалидан паррандачилик билан шуғулланиш учун микроқарз олишда ёрдам беришини айтиб, уни ишончига кириб, пул маблағлари Ж.Рўзиқуловнинг номига расмийлаштирилган тартибда 24.700.000 сўм миқдорида банк томонидан кредит ажратилишига эришиб, бу орада Ж.Рўзиқуловдан нақд пуллар кўринишида давлат божи сифатида тўланиши керак бўлган харажатлар учун сарфланишини айтиб, 200 АҚШ доллари ва 900.000 сўм миқдорида пулларни олиб, ушбу пуллардан 1.800.000 сўмини олинаётган микроқарз учун суғурта олишга тўлов қилиб, қолган қисмини ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб, банк томонидан ажратилган пулларни “Барҳаёт Муҳаммад Ражаб” МЧЖ ҳисобига ўтказилганидан сўнг, шу пулларга ҳисоблаб 10 бош қўйларни расман Ж.Рўзиқуловнинг номига расмийлаштириб олиб, сўнг қўйларни қимматроқ нархга сотиб беришини айтиб, ўзи билан олиб кетиб, шу куннинг ўзида 10 бош қўйларни



жами 13.000.000 сўмга сотиб юбориб, фирибгарлик йўли билан кўлга киритган пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган У.Ахматов айбига қисман иқрорлик билдириб, қуйидагиларни, яъни у 2020 йилнинг 03 декабрь куни “Facebook” ижтимоий тармоғи орқали Н.Халикова билан танишиб, ўша куни у билан шу сайт орқали гаплашиб, тун ярмида телефон кўнғироғи орқали тонга қадар суҳбатлашиб чиққанлигини, Н.Халикова уни иш фаолияти билан қизиққанлиги сабабли унга интернетга фотосурат қўйиш ва ўйин ўйнаш орқали пул топиш билан шуғулланаётганлигини айтганлигини, 2020 йилнинг 04 декабрь куни Н.Халикова билан соат тахминан 08:30ларда Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув 2-дахасида учрашганлигини, у билан кафега кириб, ўша ерда ўтириб гаплашиб, унга биржадан нарса олиб сотиш орқали пул топишини айтганлигини, у ҳам ишлаётган ишга қизиқиб, иш бошлаш учун қанча пул кераклигини сўраган вақтида, унга 2.000 ёки 3.000 АҚШ доллари керак бўлишини айтганлигини, ўша вақтда у пули йўқлигини, лекин тилла-тақинчоқлари борлигини ва уларни Ломбардга қўйиб пул олишини, тиллаларини сотса арзон нархга сотилиб кетишини, Ломбарддан олса уни ишлаб, фойда кўриши орқали тўлашини билдирганлигини, тилла-тақинчоқларини ўзи билан олиб чиққанлигини билдириб, уларни ламбарддан пул эвазига гаровга қўйишини айтганлиги сабабли кафедан чиқиб, Н.Халикова билан “Чор-су” бозори томонидаги Ломбардга борганликларини, у ерда пул йўқлигини билиб, бир нечта жойга борганликларини, сўнг Чилонзор тумани, Қатортол бозори олдидаги ламбардга келиб, ўша ердан 11.000.000 сўмдан ошиқ пул олганлигини, сўнг Чилонзор тумани савдо маркази томондаги, Ломбардга бориб, Н.Халикова ичкарига кириб, у ердан 3.000.000 сўмдан ошиқроқ пул олиб чиққанлигини, у ердан чиққан вақтларида Н.Халикова 14.000.000 сўм пул бўлганлигини айтиб, ундан нима қилишини сўраганлигини, унга кредит асосида телефон олишини айтиб, давлат ишида ишламаганлиги учун унга кредитга телефон берилмаслигини, унга бирон таниши бўлса у орқали кредит олишга ёрдам беришини сўраганлиги учун, “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали “AppI bui” гуруҳига кириб, телефонларни кредит асосида бериладиган жойларни телефон рақамини олиб, унга кўнғироқ қилиб, манзилини сўраганлигини, унга “Чор-су” бозори олдида жойлашганлигини айтганлигини, Н.Халикова билан ўша манзилга борганликларини, магазин сотувчиси телефон апаратини бериши учун ўзини шартларини айтган вақтида Н.Халикова унинг шартларига кўниб, телефонларни кредит асосида сотиб олишга розилик билдирганлигини, шундан сўнг 3 дона “Iphone 11 Pro MAX” русумли телефонларни 3 та тилхат ёзиб бериб, бошланғич тўловни амалга ошириб, қабул қилиб олганлигини, пуллар Н.Халиковани ўзида бўлганлиги сабабли пулларни ўзи тўлов қилганлигини, телефонларни олиб чиққанларидан сўнг Н.Халикова уларни сотишини билдирганлигини, кун кеч бўлиб қолганлиги сабабли телефонларни сотиш мақсадида “Фарход” бозорига келганликларини, у ерда бир икки жойга телефонларни кўрсатган вақтида ҳар бирини 200 АҚШ доллардан сотиб олишларини айтишганликларини, шундан сўнг Н.Халикова телефонларни сотиб беришини айтганлиги учун у ўзининг таниши Л.Жўрақуловга кўнғироқ қилганлигини ва унга телефонларни сотилишини айтган вақтида Л.Жўрақулов телефонларни унинг ўзи олмаслигини, уни таниши борлигини ва унга айтиб кўришини билдириб, сўнг ўзи қайтиб унга кўнғироқ қилиб, таниши сотиб олишга рози бўлганлигини айтиб, учрашиш жойини пул тайёр бўлган вақтда кўнғироқ қилиб айтишини билдирганлигини, у Н.Халикова билан Саракулский томондан



квартира гаплашиб, у ерга кетганлигини, у ерга етиб борган вақтида унга Л.Жўрақулов қўнғироқ қилиб, пул тайёр бўлганлигини, Учтепа тумани, Чилонзор 31-мавзесида жойлашган автосалон олдида учрашишни айтганлигини, келишилган жойга борганда Н.Халиковадан 1 дона телефонни олиб, Л.Жўрақулов ва у билан келган болага кўрсатганлигини, Л.Жўрақулов унга хар бир телефон учун 500 АҚШ долларида беришини айтганлигини, Н.Халикова уларни танимаганлиги учун 10-15 метр узоқликда кутиб турганлигини, ўша вақтда Л.Жўрақулов билан 3 та телефон учун 1.500 АҚШ долларига келишиб, 1.500 АҚШ долларини ундан санаб олганлигини, Л.Жўрақуловга 200 АҚШ доллари қўшишини уни ўзи кейинчалик унга шу пулларни беришини, Н.Халиковани қийналган аёл эканлигини айтиб, Л.Жўрақуловдан 1.700 АҚШ доллари беришини сўраган вақтида у пулларни санай бошлаганлигини, шу вақтда Н.Халикова уни олдида келиб, у Л.Жўрақуловдан пулларни олиб, ўзи ҳам санаб кўрганлигини ва Н.Халиковани кўлидаги иккита телефонни олиб, Л.Жўрақуловга берганлигини, Л.Жўрақулов Н.Халикова ишлатиб юрган телефондан унинг симкартасини чиқариб, олиб берганлигини, шу вақтда у пулларни Н.Халикованинг ўзига бериб, Л.Жўрақулов телефонларни текшириб кўриб, қолган 200 АҚШ долларини эртаси куни беришини айтганлигини, улар билан хайрлашиб, йўлни кесиб ўтиб, таксида “Чилонзор” метроси олдида Н.Халикова билан бирга келганлигини, метро олдида тушиб қолганлигини, Н.Халикова шу машинада уйига кетганлигини, эртаси куни у уйқудан туриб, Л.Жўрақуловни олдида, “Ўрикзор” бозорига келиб, ундан 200 АҚШ долларини олганлигини ва ўз ишлари билан банд бўлиб, соат тахминан 11:00ларда Чилонзор туманида жойлашган “Ҳосиилот” меҳмонхонасига келиб, шу ерда 4-қаватидан бир ўзи учун хона олганлигини, сўнг Н.Халиковага қўнғироқ қилиб, унга меҳмонхонага жойлашганлигини ва унга 200 АҚШ долларини Л.Жўрақуловдан олганлигини айтганлигини, шундан сўнг Н.Халикова меҳмонхонага келиб, пастки қаватдан ўзига хона олганлигини ва уни олдида чиқиб келганлигини, бу вақтда соат 15:30лар бўлганлигини, у ерда Н.Халикова билан бир маротаба жинсий алоқада бўлганлигини, ўша вақтда унга турмуш ўртоғи уни 3 талоқ қилганлигини, буни эшитган ота-онаси уни оқ қилганлигини гапириб берганлигини, ўша вақтда унда шубҳа пайдо бўлиб, у Н.Халиковани касри унга урмаслиги учун ундан узоқлашишга ҳаракат қилганлигини, меҳмонхонада у Н.Халиковага 200 АҚШ долларини бериб, у ердан овқатланиш учун кўчага чиққанликларини, овқатланиб бўлганларидан сўнг у Н.Халикова билан хайрлашиб, ўзи тунги клубга борганлигини, у ерда унга пул керак бўлиб қолганлиги сабабли Н.Халиковадан 100 АҚШ доллари қарзга бериб туришини, пули қолмаганлигини айтиб, қўнғироқ қилган вақтида Н.Халикова унга пуллари йўқлигини айтганлигини, шундан сўнг у билан алоқани узиб, ўзи Бухоро вилоятига кетганлигини, орадан 1 кун ўтиб Тошкент шаҳрига қайтиб келганлигини, шу орада Н.Халикова унга қўнғироқ қилиб, унга тухмат қила бошлаганлигини, уни бу ҳаракатларидан у билан жинсий алоқада бўлганлиги учун унга тухмат (шантаж) қилишидан кўрққанлигини, унга ўзининг тижоратидаги фойдага шерик қилишини ва фойдадан пул беришини айтган вақтда ҳам ундан пул сўрайверганлигини ва Н.Халикова уни деб, 1.500 АҚШ долларига тушганлигини айтганлигини, ўша вақтда унга ўзининг ёғ билан боғлиқ тижоратига шерик қилишини айтганлигини, уни гапларини ҳазил сифатида тушунганлигини, у орадан 1-2 кун ўтгандан сўнг Н.Халиковани гаплари ҳақиқат эканлигини билиб, ундан қачон пул олганлигини ва қандай пулни сўраётганлигини айтганида Н.Халикова ламбарднинг 2.000 АҚШ доллари, телефоннинг 1.500 АҚШ доллари ва унга ёғдан улуш бериши ҳақида



айтган гапидан ёгдаги улуши учун 4.000 АҚШ доллари бериши ҳақида хабар юборганлигини, ўша вақтда уни ҳам жаҳли чиқиб, ундан ҳеч қандай қарзи йўқлигини айтганлигини, Н.Халикова уни “Телеграм” профилидан фотосуратларини олиб, интернет ижтимоий тармоғи орқали ва у билан ўша вақтда фотосуратга тушган шахсларни қидирилаётганлиги ҳақида ва кўрганлар “102” рақамига кўнғироқ қилишлари тўғрисида блогерлар орқали хабарни тарқатиб юборганлигини, у бу вақтда Бухоро вилоятида бўлганлигини ва автохалокатга учраганлиги, бу орқали жағ қисмидан жароҳатланганлиги сабабли Н.Халикова билан телефон орқали гаплаша олмаганлигини, жароҳати гапирса оғриганлигини, шундан сўнг у билан телеграм орқали гаплашиб турганлигини, бундан ташқари у ҳозирда “Ахмадали Дилдор” ва “Ахмадали Мехрож универсал” МЧЖларнинг таъсисчиси эканлигини, Ж.Рўзикуловни 2021 йилнинг февраль ойидан буён танишини, 2021 йилнинг февраль ойида таксида Тошкент шаҳридан Қоракўл туманига келиш давомида у билан бир автомашинада келган Ж.Рўзикулов билан танишиб қолганлигини, йўлда келиш жараёнида у билан суҳбатлашганида, у ўзининг чорвачилик учун кредит олиш мақсадларини билдирганлигини, унга кредит олиш юзасидан қандай ҳужжатлар расмийлаштирилишини айтганида, унга кредит ҳужжатларини расмийлаштиришга тушунмаслигини, йўл-йўриқ кўрсатишини айтгани сабабли, эртаси куни дўкондан кредит ҳужжатлари бланкаларини олиб, Ж.Рўзикуловнинг яшаш уйига борганлигини ва бланкаларни унга бериб, кейин иккаласи унинг маҳалласига бориб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштирганлигини, ўша куни Ж.Рўзикуловдан бланкалар, дело юзи ва ИНН учун 42.000 сўм пулларни олганлигини, у туман марказига бориб, ИНН олиб турганида Ж.Рўзикулов унинг ортидан келиб, кредит ҳужжатларини “Агробанк” Қоракўл туман филиалига берганлигини, у Ж.Рўзикуловдан суғурта ҳужжатлари учун 200 АҚШ доллари ҳисобига тенг сўм ва ўзининг харажатлари учун 900.000 сўм пулларни олганлигини, суғурта полиси учун 1.800.000 сўм пулларни тўлаганлигини, қолган 1.200.000 сўм пуллар ўзида қолганлигини, ушбу пулларни ўзи учун сарфлаганлигини, 10 кун давомида банк ходимлари кредит бериш учун Ж.Рўзикуловнинг жойларини ўрганганлигини, кредит шартномаси ва бошқа ҳужжатларга Ж.Рўзикуловнинг ўзи имзо қўйганлигини, Ж.Рўзикуловнинг кредит шартномаси паррандачиликка расмийлаштирилганлигини, 24.700.000 сўм пуллар “Полвон” исмли таъминотчининг ҳисоб рақамига тушганлигини, лекин паррандалар уруғланиш жараёнида бўлгани сабабли таъминотчи билан келишилган холда, кредит пуллари эвазига жами 548 кг, 10 бош қўйларни ҳар килограммини 45.000 сўмдан ҳисоблаб олганлигини, Ж.Рўзикулов қўйларни олиб боришга жойи бўлмаганлиги сабабли, унга “Қўйлар сизда турсин, одам топсангиз сотинг, мен ҳам одам топсам сотаман” деб айтганлигини, сўнг у “Муравей” мотоциклида 10 бош қўйларни ўзининг уйига олиб кетганлигини, ўша куни соат тахминан 22-00ларда у 10 бош қўйларни бир кишига 13.000.000 сўмга сотганлигини, қўйларни сотиб олган кишини танимаслигини, лекин қўйларнинг пулларини олмаганлигини, сотиб олган киши пулларни 1-2 кунда беришини билдирганлигини, ўша кечаси соат тахминан 01-00ларда Ж.Рўзикулов унга телефон қилиб, қўйларни сотмаслигини, унга қайтариб беришини, оила аъзолари гапирганлиги сабабли, боқиб кейин сотишини айтганлигини, унга қўйларни сотилганини айтган вақтида у нотўғри қилганлигини, эртасига гаплашишини айтганлигини, ҳозирда жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни ишлаб қоплаб беришини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бу каби ҳолат бошқа такрорланмаслигини, оилавий ва моддий



шароити оғирлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини баён қилиб, суддан енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатувлар берди.

Судланувчи У.Ахматов айбига қисман иқроп бўлса-да, унинг айби қуйидагилар билан ўз исботини тўлиқ топади.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Н.Халикова қуйидагиларни, яъни у У.Ахматов билан “Facebook” ижтимоий тармоғи орқали 2020 йилнинг 03 декабрь куни танишганлигини, У.Ахматов унга тозалаш учун уй борлигини, у эълон орқали хабар топиб, унга хабар ёзаётганлигини, у ўзини 3-4 та фирмалари борлигини, савоб йўлида ёрдам бермоқчилигини маълум қилганлигини, унга нима сабабдан ёрдам бериши ҳақида савол берган вақтида унга “Ёғ бизнесига пул тикса 3 ҳафтада пулиз икки баробар бўлиб қайтади” деб айтганлигини, унга пули йўқлигини айтганида, бирон кишидан қарз олиб бўлса ҳам ишни бошлашини, бизнесни таваккалчилик билан бошланишини ва шунда омади келса иши яхши бўлиб кетишини айтганлигини, у У.Ахматовни профилидаги фотосуратини кўриб, ҳақиқатдан ҳам уни фирмалари борлигига ишонганлигини, У.Ахматов унга ўзини ёрдами билан савоб иш қилмоқчилигини айтганлигини, шундан сўнг унга ўзи йиғиб қўйган тилла-тақинчоқлари борлигини айтиб, тилла-тақинчоқларини гаровга қўйиб, пул олган тақдирида ҳам у айтган пулни, яъни 2.000 АҚШ долларини тўплай олмаслигини маълум қилганлигини, шунда у билан эртаси куни, яъни 2020 йилнинг 04 октябрь куни Чилонзор туманида учрашига келишганликларини, эртаси куни У.Ахматов билан “Venera-Kredit”нинг “Ламбард” олдидан учрашиб, у ерда У.Ахматов билан иш юзасидан гаплашганлигини ва унинг таклифи билан “Ламбард”га кириб, ўша ерда тилла-тақинчоқларини, яъни 8 та узук, битта жамланма, 2 та зирак, 2 та браслет ва 1 дона ципочкаларни топшириб, у ердан 11.150.000 сўм миқдоридан пул олганлигини, унда яна бошқа тақинчоқлар бўлганлиги учун ва бу жойда кўрсатиб ўтилган суммадан кўп пул берилмаслиги сабабли яна бошқа жойга, яъни “Albatros-Kredit”га бориб, у ердан 3 та узук, 3 та зирак топшириб, жами 3.500.000 сўм миқдорда пул олганлигини, шунда унда 14.650.000 сўм пул бўлганлигини, У.Ахматовдан нима қилиш кераклигини сўраганида у “Чор-Су” бозорига боришини ва телефон олишини айтганлигини, ундан нима сабабдан телефон олишини сўраганида, у 2.000 АҚШ доллари бўлиш учун пул етмаётганлигини, кредитга телефон олишини айтганлигини ва телефон берадиган жой билан ҳам гаплашиб қўйганлигини, у ерда уларни кутаётганликларини айтиб, “Чор-су” томонга борганликларини, сўнг У.Ахматов ўзининг телефонида кредит берадиган шахсга қўнғироқ қилмоқчи бўлган вақтида уни телефони ўчиб қолганлигини ва унинг телефонини сўраб туриб, уни телефонида кредитга телефон берадиган одамга қўнғироқ қилганлигини, шу сабабли унда у болани рақами сақланиб қолганлигини, ўша вақтда кредит берувчи бола “Масжид”нинг ёнидаги иккинчи дўкон эканлигини тушунтириб, у ерга борганидан сўнг исми кейинчалик маълум бўлган Йўлдошев Бобир билан учрашганликларини, у У.Ахматовга қараб “Кредит олиш учун Тошкент прописка керак дедим-ку” деб айтган вақтида У.Ахматов уни кўрсатиб, “Мана олиб келдим” деб айтганлигини, Б.Йўлдошев У.Ахматовдан қандай телефон кераклигини сўраган вақтида, у бир кун аввал айтганлигини эслатмоқчи бўлганида Б.Йўлдошев эслай олмаганлигини, сўнг У.Ахматов унга “Iphone 11 Pro MAX” деб айтганлигини, Б.Йўлдошев битта телефонни олиб келган вақтида У.Ахматов унга 3 та кераклигини айтганлигини, сўнг яна иккита телефонни олиб келганлигини, шу вақтда Б.Йўлдошев уни кўрсатиб “Келинойимми” деган вақтида унга йўқ деганлигини,



У.Ахматов унга жияни сифатида таништириб, олаётган телефонларни биттаси турмуш ўртоғига, биттаси ўзига ва яна бири унга эканлигини кўрсатганлигини, сўнг у Б.Йўлдошевга паспортини бериб, хужжатлар расмийлаштирилаётган вақтда У.Ахматов Б.Йўлдошевга тўлов қилганлигини, буни видеосини Б.Йўлдошев унга телеграм орқали юборганлигини, бу видеоёзувни иш хужжатларига қўшиш учун берганлигини, ўша вақтда У.Ахматов пуллардан 30.000 сўмини ўзига олиб қолганлигини, Б.Йўлдошев унга телефонларни ишлата оладиган қилиб ёкиб берганлигини, телефонларни олганидан сўнг У.Ахматов унга “Фарход” бозорига бориб, ўша ерда телефонларни сотишни айтганлигини, ундан нима сабабдан телефонларни сотишини сўраганида у телефонларни сотиб, пулларини ёғ учун ишлатишни ва 3 кундан сўнг у кредитини ёпиб, яна тиллаларини тўловини тўлаб қайтариб олиши мумкинлигини айтганлигини, сўнг “Фарход” бозорига борган вақтида телефон учун биттаси 800 АҚШ доллари, яна бири 600 АҚШ доллари беришини айтган вақтида уни жаҳли чиқа бошлаганлигини ва У.Ахматовга “нима сабабдан бу каби арзон нархда сотиш кераклигини, телефонларнинг нархи қиммат” деб, сўраган вақтида уни жаҳл қилмаслигини айтиб, танишларига қўнғироқ қилиб, уларга ўтказишини айтганлигини ва у билан Оқтепа айлана йўли олдидаги “Оқтепа лаваш” кафеси олдида бориб, шу ерда хаво совуқ бўлганлиги сабабли у касса олдида кириб, У.Ахматовни ичкаридан туриб кузатганлигини, ўша вақтда телефонларнинг иккитаси унда, биттаси эса ўзида бўлганлигини, у иккита болага телефонларни кўрсатганлигини, бу вақтда кун кеч бўлиб қолаётганлиги сабабли уйга кетиши кераклигини айтиб, болалари уйда ёлғиз қолганлигини, унга маълум қилганлигини, У.Ахматов яна бир оз кутиб туришини айтиб, синфдошини укаси “Малика” бозорида ишлашини айтиб, унга қўнғироқ қилганлигини, шундан сўнг уни телефони куввати тугаб қолганлигини ва уни рақамидан “Абдулазиз” исмли телефон сотиб олган боланинг рақамига қўнғироқ қилганлигини, У.Ахматов унга қўнғироқ қилган вақтида Абдулазиз Учтепа тумани, Чилонзор 31-мавзесида жойлашган автосалон олдида келганлигини айтганлигини, у билан таксида Абдулазиз айтган жойга борганлигини, у ерда телефон сотиб олмоқчи бўлган Абдулазиз билан У.Ахматовнинг синфдошини укаси турганлигини, уларнинг олдиларига боришганидан сўнг ишламасдан ёпиқ ҳолатда бўлган Нонвойхонанинг олдида ўтиб, ўша ерда У.Ахматов Абдулазиз ва у билан келган болага телефонларни кўрсатишганлигини, унга эса сал нарида кутиб туришини имлаб тушунтирганлигини, улардан тахминан 10-15 метр узоқликда туриб, кутиб турганлигини, шундан сўнг улар телефонларни кўриб, уларни сотиб олишганлигини, сўнг У.Ахматовнинг олдида бориб, ундан телефонларни қанчадан сотганлигини сўраган вақтида унга хар бир телефон учун 500 АҚШ долларида пул олганлигини айтиб, жами 1.500 АҚШ долларига телефонларни сотиб юборганлигини билдирганлигини, шу вақтда телефонларни арзон нархда сотиб юборганлигидан жаҳли чиқиб, У.Ахматов унга асабийлашмаслигини айтиб, эртаси куни қолган пулларни “Ўрикзор” бозорига бориб олиб келишини айтганлигини, Абдулазиз ва у билан келган бола уни телефонидаги сим картани олиб берганлигини, сўнг У.Ахматовга эртаси куни кўришишни айтиб, такси тўхтатиб кетишганлигини, сўнг У.Ахматов эртаси куни эрталаб “Қўйлик” бозорига бориб, у ердан ёғ олиб келишини, телефон учун тўланиши керак бўлган қолган пулларни Абдулазиз эрталабгача тайёрлаб қўйишини, У.Ахматов уни эрталаб 04:00ларда ўзи келиб олиб кетишини ва у билан бирга боришини айтганлигини, унга эрталаб вохли уйдан чиқа олмаслигини, уни боллари борлигини ва уларни боғчага ва мактабга



жўнатиши кераклигини тушунтирганлигини, унга ўзи вохли “Кўйлик” бозорига боришини ва уни соат 08:00 ва 09:00ларга қадар уни олдига бориши кераклигини тушунтирганлигини ва пулларни ўзи билан олиб кетишини, вохлироқ бориб, ёғни сотиб олмаса бошқалар олиб қўйиши мумкинлигини айтиб, унинг олдига етиб боргунига қадар ёғни машинага жойлаб туришини маълум қилганлигини, ўша вақтда унга алдаб кетмаслиги тўғрисида савол берган вақтида унга оиласини ўртага қўйиб қасам ичганлигини ва унга ёрдам бериш учун бу ишни қилаётганлигини, ўзини пуллари кўплигини ва уни бу пуллари унга керакмаслигини айтганлигини, ўша вақтда у “Қуръон”ни бир неча маротаба такрорлаб, уни ишонтирганлигини, унинг сўзларига ишонганлиги сабабли пулларни бериб юборганлигини, эртаси куни соат тахминан 8:30ларда У.Ахматовнинг 99-376-59-33 рақамига қўнғироқ қилиб, хабар олмоқчи бўлганида унинг телефон рақами ўчиқ эканлигини билиб, унга тўхтовсиз қўнғироқ қилганлигини, соат тахминан 10:30ларда У.Ахматовнинг телефони ёнганлигини билиб, шу вақтда унга тез лакация ташлашини ва видео кўринишида қўнғироқ қилишини айтганлигини, шунда у видеолаваха юборганлигини ва у лавхада юк автомашинада кетаётган вақтида уни ёғларини олиб кетаётганлигини айтиб ўтганлигини, тушликка қадар ёғлар сотилишини ва уни пулларини кечки соат 15:00 ва 16:00ларда олиб келиб беришини айтиб, тушлик вақтида унга яна қўнғироқ қилмоқчи бўлганида, у жавоб бермаганлигини, тушликдан кейин яна қўнғироқ қилганлигини, у яна жавоб бермаганлигини, шу куни соат 20:00ларда У.Ахматов унинг қўнғироғига жавоб бериб, ундан ёғ нима бўлганлигини сўраган вақтида ва унга 16:00 ва 17:00ларга қадар пуллар қўлида бўлишини айтганлигини, У.Ахматов “Шанба” куни бўлганлиги учун ишчилар вохли кетиб қолганлигини, машинадаги ёғни тушириш имкони бўлмаганлиги учун машина билан бирга омборга олиб кириб қўйганлигини, эртаси куни бориб ёғни туширишини билдирганлигини, эртаси куни яъни 6 декабрь куни соат 8:00лардан бошлаб У.Ахматовга қўнғироқ қилишни бошлаганлигини, у яна тушликка яқин телефонга жавоб берганлигини ва унга якшанба бўлганлиги учун ишчилар келмаслигини айтиб, яна бир кун кутиб туриш кераклигини айтиб, Душанба куни ишчилар келиши билан биринчи бўлиб уни юкларини туширишларини ва бозорга биринчи уни юклари тарқатилишини айтганлигини, унинг гапларига ишониб, шу куни соат 20:30ларда яна қўнғироқ қилганлигини, У.Ахматовдан қанча даромад олганлигини сўраган вақтида унга жами 10.000 АҚШ доллари бўлаётганлигини, шундан 4.000 АҚШ доллари Козимга тегишли, қолган 6.000 АҚШ доллари уларга тегишли эканлигини айтганлигини, эртаси куни яъни 07 декабрь куни кун давомида У.Ахматовни қидириб топа олмаганлигини, у қўнғироқларига жавоб бермаганлигини, 08 декабрь куни қўнғироғига жавоб бериб, унга ўзини Бухоро вилоятига зудлик билан кетиб қолганлигини айтганлигини, унга “пулларини олиб кетиб қолдингми” деб савол берганида у Бухоро вилоятида пул олиши кераклигини, пулни олиши билан унга олиб келиб беришини айтганлигини, унга Бухоро вилоятида бўлса лакация жўнатишини айтгани учун У.Ахматов турган жойидан лакация юборганлигини, шундан сўнг унга пулларни кўрсатишини айтган вақтида унга боллар билан тушган фотосуратини юборганлигини у ерда пул кам эканлигини кўриб, ундан пуллар камлигини айтиб, унга савол берган вақтида У.Ахматов саволига жавоб бера олмасдан телефонни ўчириб қўйганлигини, бу ҳолат бир неча маротаба такрорланганлигини, шундан сўнг унга пулларини беришини айтиб, бир неча маротаба телеграм орқали гаплашганлигини, 2020 йил 09 декабрь куни У.Ахматов уни қўнғироқларидан бирига жавоб берганлигини, ўша вақтда унга



қаерда эканлигини сўраб савол берганида, у видео юборганлигини, 2020 йил 10 декабрь куни бўш пластик карта бўлса унга пул ўтказиб беришини айтиб, картани суратини юборишини айтганлигини ва унга “Юлдуз Асқарова” исмли ўртоғининг “Халқ банки” орқали олган картасини, яъни № 8600 0609 6724 5979, 03/24 рақамли картани юборганлигини, лекин у пулларни юбормаганлигини, у ўша вақтда Тошкент шаҳрига келиш учун йўлга чиқишини айтганлигини, 2020 йил 11 декабрь куни уни бир неча маротаба қўнғироқ қилгани учун унга хадеб безовта қилмаслигини, уни олдида одамлар борлигини айтиб, қўнғироқ қилавермаслигини маълум қилганлигини, шундан сўнг у бир неча маротаба видеоёзув жўнатганлигини, лекин телефонларига жавоб бермаганлигини, 2020 йил 12 декабрь куни у У.Ахматовга эртаси куни, яъни 13 декабрь куни тушликка қадар пулларини олиб келиб бериши учун муҳлат берган вақтида унга овозли ёзув юбориб, эртаси куни пулларни олиб келиб бера олмаслигини, унга янги иш топиб қўйганлигини ва қурилиш бўйича таклиф тушаётганлигини айтиб, унга шу йўл билан унинг шерикларини ҳам билиб олиши ҳақида хабар юборганида унга онаси касалхонада эканлигини айтиб, уни тинч қўйишини билдирганлигини, лекин унга “Козим” билан ўзининг ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни аудиоёзувини юборганлигини, у билан шерик бўлиб ишламаслигини айтиб, унга пулларини эртаси куни етказиб беришини маълум қилганлигини, ўзи кела олмаса бошқа одам олиб келиб беришини айтиб, У.Ахматовни огоҳлантирганлигини, 2020 йил 13 декабрь куни У.Ахматов унга пул олиб келадиган одамнинг рақамини 8870 рақамдан қўнғироқ қилиб, пул олиб келиб беришларини ва унга 15.000.000 сўм пул бериб юборишини айтган вақтида унга бу пул кам эканлигини билдириб, пулларни олмаса уни турмуш ўртоғига олиб бориб беришини ва уни барча ишлари тўғрисида унга айтиб беришини билдирганлигини, шундан кейин унинг қўнғироқларига жавоб бермаганлигини, сўнг У.Ахматовнинг қилмишлари юзасидан ИИБга ариза билан мурожаат қилганлигини, бу орада У.Ахматов автохалокатга учраганлигини айтиб, унга фотосуратларини юборганлигини, ҳозирда унга етказилган моддий зарар қопланмаганлигини баён қилиб, суддан унга етказилган моддий зарарни ундириб беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ж.Рўзиқулов қуйидагиларни, яъни у ўзининг яшаш уйида қорамол боқиш билан шуғулланишини, бозордаги дўконни очиш учун харажатларга барча қўйларини сотиб сарфлаганлигини, шу сабабли унинг яшаш уйида қўйлари қолмаганлигини, у яна мол боқиш билан шуғулланмоқчи бўлганлигини, бу учун унда жой (молхона), ем-хашак борлигини, лекин унда мол сотиб олишга пуллари йўқлиги сабабли чорвачилик учун банкдан кредит олишга қарор қилганлигини, 2021 йилнинг февраль ойи бошларида Тошкент шаҳридан Қорақўл туманига таксида келиш давомида у билан бир автомашинада келган У.Ахматов билан танишиб қолганлигини, йўлда келиш жараёнида у билан суҳбатлашганида унга ўзининг чорвачилик учун кредит олиш мақсадларини билдирганлигини, У.Ахматов унга кредит олишга ёрдамлаша олишини, бу учун харажатларни тўласа, унга Агробанкдан кредит олишга ёрдамлашишини билдирганлигини, унинг гапларига ишониб, у орқали кредит расмийлаштириб олишга рози бўлганлигини, эртаси куни У.Ахматов билан телефон орқали гаплашиб, унинг уйига келганлигини ва у билан биргаликда М.Ф.Й.га бориб, кредит олиш учун лозим бўлган барча ҳужжатларни расмийлаштирганликларини, У.Ахматов кредит чиқартириб бериши эвазига 100 АҚШ доллари пулларни ундан олиб, ҳужжатларни ҳам олиб кетганлигини,



эртаси куни У.Ахматов яна унинг уйига келиб, ундан яна 100 АКШ доллари пулларни олганлигини, яна бир кун ўтиб, У.Ахматов унинг уйида суғурта тўлови учун 900.000 сўм пулларни олганлигини, орадан тахминан 15 кун ўтиб, У.Ахматов уни Агробанк Қоракўл филиалига чақирганлигини, у банкка бориб, кредит шартномаси ва бошқа ҳужжатларга имзоларини қўйганлигини, чорвачилик учун 24.700.000 сўм пуллар “Полвон” исмли таъминотчининг ҳисоб рақамига тушганлигини, кейин У.Ахматов билан биргаликда таъминотчининг ишхонасига бориб, кредит маблағлари эвазига жами 548 кг, 10 бош қўйларни хар бир килограммини 45.000 сўмдан ҳисоблаб олганлигини, қўйларнинг ёнида расмга тушганлигини, кейин У.Ахматов ушбу қўйларни сотиб, нақд пул қилиб беришини айтиб, қўйларни “Муравей” мотоциклида олиб кетганлигини, у эса уйига кетганлигини, ўзининг уйига етиб бориб, У.Ахматовга телефон қилиб, қўйларни унга қайтариб беришини, пуллари керак эмаслигини, қўйларни боқишини айтиб, У.Ахматовнинг яшаш уйига қўйларини олиш учун борганида, У.Ахматов уйида йўқ бўлганлигини, У.Ахматовнинг онасидан қўйларини сўраганида, у 10 бош қўйларни У.Ахматов 13.500.000 сўмга сотганлигини билдирганлигини, сўнг у У.Ахматовга бир неча мартаба телефон қилган бўлса-да, уни алдаб, қочиб юрганлигини ва унга қўйларни ҳам, пулларни ҳам бермаганлигини, ҳозирги кунда унга етказилган моддий зарар қопланмаганлигини баён қилиб, суддан унга етказилган моддий зарарни ундириб беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганлардан ташқари судланувчи У.Ахматовнинг содир этган жиноятдаги айби жиноят ишидаги жабрланувчиларнинг судланувчига нисбатан қонуний чора кўриш ҳақидаги аризаси, тушунтириш хатлари, шахсни фото-суратдан таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадваллар, юзлаштириш баённомалари, кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото-жадваллар ва бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини тўлиқ топади.

Суд, судланувчининг жиноий ҳаракатларига юридик квалификациясига баҳо бериб, қуйидаги хулосага келди:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрь кунидаги **“Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги 35-сонли қарори 3-бандида *“Фирибгарлик ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмор қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради”* деб кўрсатилган.

Мазкур Пленум қарорининг 4-бандида *“Фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлгон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади.*

Фирибгарликда ёлгон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколати, нияти (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида кўрсатиши) тааллуқли бўлиши мумкин.



Фирибгарликда жабрланувчини янглиштиришига қаратилган қасддан содир этиладиган ҳаракатлар жумласига, масалан, битим ёки тўлов предметини сохталаштириши, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш чоғида алдов усулларини қўллаш ва ҳ.к. киради” деб кўрсатилган.

Шунингдек, Пленум қарорининг 22-бандида “Мансабдор шахс томонидан у мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли аслида амалга ошира олмайдиган муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун пул, қимматли қоғоз ва бошқа моддий қимматликлар олиниши, унда мазкур қимматликларни эгаллашга нисбатан қасд мавжуд бўлган тақдирда, фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Агар шахс (шу жумладан мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни аслида амалга ошира олмайдиган мансабдор шахс), гўёки мансабдор шахсга пора сифатида бериш учун пул ёки бошқа қимматликларни олиб, бироқ аслида бундай нияти бўлмасдан, уларни ўзлаштира, қилмиш фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим” деб кўрсатилган.

Юқоридаги иш ҳолатлари, Пленум қарори кўрсатмаларидан келиб чиқиб, суд, судланувчи У.Ахматовнинг 2021 йил 8 февраль куни Ж.Рўзикуловни ишончига кириб, унинг номига “Агробанк” Қорақўл туман филиалидан паррандачилик билан шуғулланиш учун микроқарз олишда ёрдам беришини айтиб, уни ишончига кириб, пул маблағлари Ж.Рўзикуловнинг номига расмийлаштирилган тартибда 24.700.000 сўм миқдоридан банк томонидан кредит ажратилишига эришганлигида ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, яъни “*фирибгарлик такроран содир этилишида*” ифодаланган жиноят белгилари билан тўғри малакаланган деб топади.

Лекин, суд судланувчи У.Ахматовнинг 2020 йил 2 декабрь куни ўзганинг анча миқдордаги мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, ўзининг режасини тузиб, ўзи аввалдан қўлга киритишни мақсад қилиб юрган, фуқаро Б.Йўлдошев томонидан муддатли тўлов асосида берилаётган телефон аппаратларини Тошкент шаҳар рўйхатда турган шахс номига берилаётганлиги ҳақида маълумотга эга бўлиб, кейинчалик тузган режасига асосан, 3 декабрь куни “Facebook” интернет ижтимоий тармоғи орқали фуқаро Н.Халикова билан танишиб, унга ўзини катта тадбиркор сифатида таништириб, истеъмол ёғи савдосида унга 2.000 АҚШ доллари кераклигини ва ушбу пул маблағларини қўшиб турса, унга катта миқдорда фойда келтиришига ишонтириб, Н.Халиковани турли хил турдаги тилла-тақинчоқларини “Венера ва Албатрос” кредит номланган “Ломбард”ларга 4 декабрь куни топшириш орқали жами 14.650.000 сўм миқдоридан пулларга эга бўлиб, ушбу пулларни яна кўпайтириш учун, бундан аввал телефон орқали ўзи танишган Б.Йўлдошевни олдига бориб, ундан Н.Халикованинг номига муддатли тўлов асосида жами баҳоси 5.010 АҚШ доллар (52.241.173 сўм)лик 3 дона “Iphone 11 PRO MAX” русумли телефон аппаратларини олиш учун “Ломбарт”дан олган 14.650.000 сўм пуллари эвазига телефон аппаратларини бошланғич тўлов пуллари ҳисобида Б.Йўлдошевга бериб, сўнг телефон аппаратларини Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманида жойлашган “Чорсу” буюм бозори ёнида қўлга киритиб, шу куннинг ўзида қўлга киритган 3 дона “Iphone 11 PRO MAX” русумли телефон аппаратларини ўзининг таниши Л.Жўракуловга хар бирини 566 АҚШ долларида жами 1.700 АҚШ доллари (17.726.546 сўм) миқдоридан пулларга Учтепа тумани, Чилонзор -31-мавзеси ҳудудида жойлашган автосалон биноси ёнида



сотиб юбориб, сўнг ушбу пуллар эвазига Н.Халиковага берган ваъдасини бажармасдан, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлигидаги қилмишини дастлабки тергов органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, яъни *“фирибгарлик, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилиши”*да ифодаланган жиноят белгилари билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖК 78-моддасининг “в” бандида *“ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач, шахснинг судланганлик ҳолати тугалланиши”* белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, У.Ахматовга муқаддам жиноят ишлари бўйича Олот туман судининг 21.02.2018 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 62-моддасига асосан иш ҳақининг 30 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 4 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги, жиноят ишлари бўйича Қоракўл туман судининг 26.11.2018 йилдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 7 ой 19 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод этилганлиги, ҳозирда ЖКнинг 78-моддаси талабида судланганлик ҳолати тугалланганлиги аниқланди.

Ишда тўпланган далиллар ва Пленум қарори тушунтиришларини, шунингдек, судланувчи У.Ахматовнинг судланганлик ҳолати тугалланганлиги ва ушбу эпизодга қадар фирибгарлик жинояти содир этмаганлигини инобатга олиб, унинг ушбу қилмишини ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандидан ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди, яъни *“фирибгарлик анча миқдорда содир этилишида”* ифодаланган жиноят белгиларига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддасида *“Ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агар улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади.”*

Агар шахс содир этган қилмишида ушбу Кодекс Махсус қисми айна бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади” деб кўрсатилган.

Бундай ҳолатларда суд, судланувчи У.Ахматовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси талабида жазо тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи У.Ахматовга жазо тайинлашда судланувчининг айбига қисман иқдорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, унинг оилавий ва моддий шароитини, қарамоғида кекса ота-онаси борлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини ЖК 55-моддасига кўра енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни ғараз ниятларда содир этилганлигини ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”**ги 35-сонли қарори 42-бандида *“Агар жиноий қилмиш квалификация қилинаётган қонунда қўшимча жазо мажбурий тарзда тайинланиши белгиланган бўлса, уни фақат ЖК 57-моддасида назарда тутилган ҳоллар мавжуд бўлганда қўлламаслик*



мумкин бўлиб, бундай қарор ушбу моддага ҳавола қилинган ҳолда ҳукмда асослангирилиши лозим” деб белгиланган.

Судланувчи У.Ахматов бирон-бир моддий жавобгарлик ёки мансаб ваколати билан боғлиқ ишларда ишламаганлиги, ушбу фаолият билан боғлиқ ҳолда жиноят содир этмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди санкциясида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўшимча жазо сифатида қўлламасликни лозим топади.

Шунингдек, суд судланувчи У.Ахматовга жазо тури ва миқдорини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, унинг айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, унинг оилавий ва моддий шароитини, қарамоғида кекса ота-онаси борлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилмасликни ва унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи У.Ахматовдан жабрланувчи Н.Ҳалиқованинг фойдасига 5.010 АҚШ доллари миқдоридаги моддий зарар ҳукм чиқарилган кундаги АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати, яъни 10.665,73 сўмдан келиб чиқиб, 53.435.307 сўм ва 14.650.000 сўм миқдоридаги моддий зарар билан қўшиб, жами 68.085.307 сўм ва жабрланувчи Ж.Рўзиқуловнинг фойдасига 200 АҚШ доллари миқдоридаги моддий зарар ҳукм чиқарилган кундаги АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати, яъни 10.665,73 сўмдан келиб чиқиб, 2133.146 сўм ва 25.600.000 сўм миқдоридаги моддий зарар билан қўшиб, жами 27.733.146 сўм миқдоридаги етказилган моддий зарарни ундиришни белгилашни лозим топади.

Шунингдек суд, манфаатдор томонларга моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига асосан суд ҳукм қилади,

Ҳ У К М:

Ахматов Умурзоқ Муротович (Axmatov Umurzoq Murotovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Ахматов Умурзоқ Муротович (Axmatov Umurzoq Murotovich)га Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, **5 (беш) йил** муддатга озодликдан маҳрум қилиши жазоси тайинлансин.

Тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси **умумий тартибли колонияларда** ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати **16.04.2021 йилдан** бошлаб ҳисоблансин.



У.Ахматовга нисбатан қўлланган эҳтиёт чораси аслича камокда сақлаш тарзида қолдирилсин.

Судланувчи Ахматов Умурзоқ Муротовичдан жабрланувчи Ҳалиқова Наргиза Тажибаевнанинг фойдасига 5.010 АҚШ доллари миқдоридаги моддий зарар ҳукм чиқарилган кундаги АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати, яъни 10.665,73 сўмдан келиб чиқиб, 53.435.307 сўм ва 14.650.000 сўм миқдоридаги моддий зарар билан қўшиб, жами 68.085.307 сўм миқдоридаги етказилган моддий зарар ундирилсин;

жабрланувчи Рўзиқулов Жамшид Рашид ўғлининг фойдасига 200 АҚШ доллари миқдоридаги моддий зарар ҳукм чиқарилган кундаги АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати, яъни 10.665,73 сўмдан келиб чиқиб, 2133.146 сўм ва 25.600.000 сўм миқдоридаги моддий зарар билан қўшиб, жами 27.733.146 сўм миқдоридаги етказилган моддий зарар ундирилсин.

Манфаатдор томонларга етказилган моддий ва маънавий зарар бўйича фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилсин.

Апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи томонидан эса унга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида, туман суди орқали Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи судья: имзо

Нусхаси аслига тўғри, судья:

